


МУСТАҚИЛЛИК - БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР



ADOLAT

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№35
(687)
2008 йил,
15 август, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чىқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Сенат Раиси Н.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28-29 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг ўндан ортиқ қонунларини, хусусан, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сурғатаси тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-

нинг Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қўқумати билан Бирлашган Араб Амирикларини Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Дабӣ, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қўқумати ва Сенат Девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадига Кенгаш сенаторлардан ҳамда Сенат Девони ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати



ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

“Муруват Текс” хорижий шўба корхонасининг Гурлан фабрикасида йилгига 4,5 минг тонна пахта толаси қайта ишланади.

Корхона иш бошлаганига 15 йил бўлди. Ўтган вақт ичида бу ерда 19 миллион АҚШ долларлик Германия, Италия, Туркия давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида корхонада 1654 тонна ип калава ишлаб чиқарилиб, режа 130 фоизга уудаланди. Экспорт ҳажми 1 миллион 230 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, улар уч маҳал бепул овқат, ишга келиб кетиш учун транспорт воситалари билан таъминланган. Шунингдек, 3 сменада тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Суратларда: лаборант Хуршида Худойберганава; корхона фаолиятинан лавҳа.

Р.ЖУМАННЁЗОВ (Ў.А.) олган суратлар.



Шу кунларда «Зарубежнефтегаз»нинг шўба корхонаси ҳисобланган «Газпром» акционерлик жамияти Устюрт ҳудудига янги қидирув қудуғини қазиниш бошлади.

УСТЮРТДА ЯНГИ КОНЛАР

Бу жамият томонидан кейинги икки йил мобайнида газ заҳираларини аниқлаш борасида қазиланган саккизинчи қудуғидир. Бундай қудуқлар ўша ҳудуддаги газ заҳиралар тўғрисида аниқ маълумот бериш қаторида, ер ости ҳудудларини борасида ҳам тўғри ҳулоса чиқаришга замин яратди.

«Зарубежнефтегаз» томонидан «Геологик қидирув ишларини бошқича-бошқича давом эттириш» лойиҳаси доирасида Устюрт полонтиасида кенг қўламдаги қидирув ишлари олиб боришмоқда. Янги ушбу ҳудуддаги, Шарқий Ойтуз, Тлеуқудук, Жибс каби еттига майдонда геологик қидирув юмушлари қизгин давом этмоқда.

Бу ҳудудларда ўтказилган сейсмологик таҳлиллар, мутахассислар ва экспертларнинг ҳулосаларига кўра газ заҳираларининг тахминий микдори аниқланди. Янги, бу майдонда 14,9 миллиард кубометр газ ва 1,3 миллион тонна газ конденсатлари мавжуд.

«Туркестон-пресс».

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

Умрни оқар дарёга ўхшатилади. Айниқса, бизнинг замонада вақт дарёсининг шиддатли ҳар қачонгидан-да тезкор. Назаримизда, ақиндагина она-Ватанимиз ўз мустақиллигига эришиб, халқимиз азалий орузига етишганди. Мана орадан 17 йил ўтибди. Тарихан шу қисқа давр ичида юртимизда амалга оширилган оламшумул бунёдкорлик ишлари, босқичма-босқич изчил олиб борилган ислохотлар самараларини жаҳон аҳли кўриб турибди. Ҳа, истиқлол йилларида асрларга татигулик ишлар қилинди. Мен ҳам ўз меҳнат фаолиятимда қўлга киритган ютуқларимни Бевосит мустақиллик шарофатидан, деб биламан. Истиқлол менга ўз имкониятларим даражасида меҳнат қилиб, оруз-ниятларимга етишиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш берди.

Президентимиз ислохотлар энг аввало, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганини қайта-қайта таъкидлайдилар. Бу беҳиз эмас. Чунки ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад фуқароларни эркин ва фаровон ҳаёт шароити билан таъминлаш, уларнинг мустақиллик мевадаридан тўла баҳраманд бўлишларига эришишдир. Айни пайтда истиқлол берган имкониятлардан тўла фойдаланиш учун ҳар биримизнинг онгимизда буюк келажакка мустаҳкам ишонч қарор топиши керак. Зотан, ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаган, уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятлик ва билимли ҳисобланади, жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишинида фаоллик кўрсата олади.

Фаровон турмушимизни шинам ва замонавий меҳнатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Олий ўқув юртини тамомлаганидан сўнг мени айни шу — меҳнат ишлаб чиқариш соҳаси қизиқтириб қолди. Зеро, ҳоҳ ҳонадон бўлсин, ҳоҳ ишхона ёки муассасада бўлсин қулай шартот яратиш учун, аввало, меҳнат керак. Давлатимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асо-

сан, фарзандларимизни яхши шароитларда билим эгаллаб, эртанги куннинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш мақсадига юртимизда қўллаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари бунёд этилди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуимиллий дастурига биноан, янги мактаблар барпо этилди ва улар энг сўнгги русумдаги компьютерлар, ўқув лаборатория жиҳозлари, меҳнат билан таъминланди. Мана шу эзгу ишларга доир лойиҳани амалга ошириш учун меҳнат таълимоти бўйича тендерлар ўтказилди. Компаниямиз охириги беш йил мобайнида тендер солиби бўлиб, 43 миллион сўмлик меҳнат маҳсулотларини ишлаб чиқариб, ёш авлод таълим-тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Албатта, фарзандларимиз келажак иш учун давлатимизнинг амалга ошираётган катта миқдордаги сарф-харажатларни яқин орада ўзининг ажойиб натижасини бериши, жамиятимиз ривожини учун хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, илм сирларини пухта эгаллаган авлоднинг келажакги порлоқ бўлиши, Шахсан ўзимга, ишлаб чиқаришдаги фаолиятим давомида, иккинчи — ҳуқуқшунослик мутахассислигим жуда қўл келди. Шунга қарамай, бо-зор иқтисодиёти шароитида университетда олган билимим билан қаноатланмадим. Чунки ҳозирги шарт-шароит доимо ўқи-йиланиб, ўз устинида ишлашни талаб этади. Фаолиятимизни бошлаган кезлар ишлаб чиқаришга яроқсиз, халқаро стандартларга жавоб бермайдиган дастгоҳлар меҳнат қолганди. Ишлаб чиқариш учун зарур барча хом-ашё четдан келарди. Қўллаб муаммоларни, чунончи, молия, валюта масалаларини ҳал этиш, меҳнат учун энг зарур ёғоч ва ДСПни хориждан келтириш, ҳамкорлик топиш осон эмасди.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда давлатимиз томонидан инвестиция, саноатни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш сингари

дастурлари амалга оширилдики, натижада ишларимиз ҳар томонлама юришиб кетди. Жумладан, бизнинг ошхона жиҳозлари ишлаб чиқаришга мослашган корхонамиз турли меҳнат ёғочни қайта ишлаш ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Файз» Холдинг компаниясига айланди.

Истиқлол шарофати туфайли фақат ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, жамиятимиз ранақига имкон қадар ҳисса қўйиш имконияти борлигидан қувонаман. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати сифатида фаолият кўрсатганимда юртимиз раванқига хизмат қилганим қонунларнинг яратилишида, ҳозирда эса, Тошкент шаҳар кенгаши депутати сифатида пойтахтимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ишларда иштирок этиб келяпман. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда кўп партиявийликка имкон берган давлатимиз сиёсати ҳар бир онгли фуқароннинг мамлакат тараққиёти йўлида жонбозлик кўрсатиши учун барча ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш қўйган.

Шу маънода «Адолат» СДП сафида ҳам турли соҳа вакилларидан иборат юрт фидойилари борлигидан, улар она заминимиз раванқига муносиб улуш қўшаётганидан фахрланаман.

Барчамиз учун энг азиз ва қутлуғ айём — Истиқлолнинг 17 йиллиги байрами арафасида ҳар бир юртдошимизни қутлаб, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган инсонпарвар сиёсатни қатъият билан ҳаётга тадбиқ этишда янада фаол бўлишга даъват этмаман. Зеро, шу азиз Ватан барчамизники!

Мукаррамхон АЗИМОВА,
«Файз» Холдинг компанияси
бошқаруви раиси,
«Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши аъзоси.



17
МУСТАҚИЛЛИК
ОЛИЙ САДОҚАТИ

ЯНГИ, ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ

бинолар тўрт кўрқига кўрк қўшмоқда

«Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг!» Буюк соҳибқирон бобоимиз Амир Темурнинг ушбу даъвати Истиқлол нурлари ила нурафшон бўлган бугунги кунларимизга ҳам ҳамоҳанг бўлди. Зотан, мамлакатимиз мустақиллик йилларида улкан қурилиш майдонига айланди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида — қишлоғу шаҳарларида бунёдкорлик ишлари зўр кўтаринчилик билан давом этмоқда.

Айниқса, юртнинг эртанги кунини, порлоқ келажакга замин ҳозирлаб берувчи таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор — замонавий ва кўркам мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларининг барпо этилаётгани, мавжудларининг сифатли таъмирдан чиқарилаётгани

кўрган кўзни қувонтиради, келажакка катта умид уйғотади. Республика Халқ таълими вазирлиги маълумотларида айтилишича, «2004-2009 йиллар мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуимиллий дастури»га мувофиқ, белгиланган йиллар давомида республика бўйича жами 2,9 миллион ўқувчи ўрнига мўлжалланган 8 минг 476 та ёки мавжуд мактабларнинг 87 фоиз билонларини, муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш белгиланган. Ўтган йилга қадар эса 4 минг 669 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Эътиборлиси шундаки, бу юмушларнинг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларидаги мактабларда амалга оширилди.

2008 йил — Ёшлар йили-

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

14 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясининг рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясининг раҳбари Х.Дўстмухамедов ахборот билан сўзга чиқди. Қонунчилик палатаси янги ташкил этилган депутатлар фракциясини рўйхатга олди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунига мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясининг раҳбари Х.Дўстмухамедовни Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизда ушбу жиноят турининг олдини олишга қаратилган пухта ҳуқуқий база яратилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар одамлардан зўрлик билан фойдаланиш мақсадига уларни ёллаш, ўғирлаш, ташвиш ва яширишга қарши кураш борасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига янада самарали фаолият олиб бориш имконини беради. Мамлакат жиноят қонунларининг одам савдосига қарши курашишга доир қисмини тақомиллаштириш бундай жиноятларни очиш даражасига ва уларнинг олдини олишга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Муҳокама чоғида қиритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов тақдим этди. Муҳокама чоғида депутатлар ушбу қонун лойиҳаси жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини янада оширишга қаратилганлигини таъкидладилар. Суд амалиётининг таҳлили қонун нормалари таърифларининг маромига етказилмаганлиги айрим турдаги жиноятларга қарши кураш борасида самарадорликка эришишга салбий таъсир кўрсатётганлигидан далолат беради. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида депутатлар билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.


(Ў.А.)

Бунёдкорлик

3-бета ўқинг

О.АБДУЛЛАЕВ,
ЖУРНАЛИСТ.

ЁШЛИК — УМР БАҲОРИ



ОФАРИН, РИШОД!

Шу кунларда қизғин давом этаётган ёзги Олимпиадада дзюдочилар Ришод Собиров ўз вази тоифасида фахрли учинчи ўринни қўлга киритиб, нуфузли мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди

қилиб, уларнинг курагини гиламга теккизди. Ҳал қилувчи — учинчи босқич беллашувларида эса Ришоднинг рақибни жанубий корейлик Чой Мин О бўлди. Кучли рақиб билан бўлган тенгсиз курашда спортчимиздан омад юз ўтирди. Натижада Ришод Собиров мусобақанинг финал босқичига чиқа олмади. Лекин спортчимиз ўзининг иродали спортчи эканлигини яна бир бор намоиш этди.

Бронза медали учун кураш: гиламда ўзбекистонлик Ришод Собиров ва французлик анча номдор дзюдочи Дмитрий Драгин. Рақибларнинг қўл уриштиришлари, бел олишлари, оёқ чалишлари... иккиси ҳам бир-бирдан бўш келай, демади. Ришодга нисбатан бирмунча бўйдор француз ўловнинг чайирлиги курашдан кўриниб турибди. Ришод эса бундан чўчимади, ўзининг моҳирона кураш усуллари қўлладан чарчамади. Бу ғалабага бўлган иштиёқдан, қолаверса, унинг қалбида юртдошлар ишончини оқлашдек ажиб бир туйғуннинг жўш ураётганидан далолат беради.

Ниҳоят, курашнинг янқовчи бонги янгради. Ришод ғолиб, у ишончи оқлади! Юртнинг азамат ўғлини — Олимпиада ўйинларининг бронза медали соҳиби, Офарин, балли Ришод! Шохиста БОНУ.

Минбар

ЗЎР ИШТИЁК, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ

эзгу мақсад сари етаклайди

Катта ҳаётга қадам қўётган ҳар бир ёш улкан мақсадлар сари ҳаракат қилади. Мақсадга эришиш учун эса зўр иштиёк, тинимсиз меҳнат талаб қилинади. Зотан, ана шу омилларгина кишини хайрли мақсадларига етаклайди. Узимдан қиёс: болалигимдан ўқиш-ўрганиш, ўз устимда янада кўпроқ ишлашга интиламан. Меҳнатларим бу йил ўз самарасини берди. Аниқроғи, 2008 йил — Ёшлар йили менга омадли келиб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини имтиёзли тарзда битирдим, магистратурага кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдим.



Жорий йил аввалидан бошлаб "JannatMakon" журналида мақолалар мунтазам равишда эълон қилинмоқда, тажрибали устозлар — атоқли журналистлардан соҳанинг нозик қирраларини чуқур ўрганаёман. Дарвоқе, журналда "Навқиронлар давраси", "Махсус репортаж", "Калейдоскоп" каби рухларда мақолалар тақдим қилинмоқда. Оролбўйи минтақасидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги сўлим дам олиш масканларида уч минг нафар бола таътилни мароқли ўтказди.

Республика Касаба уюмлари федерацияси кенгаши, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат санитария эпидемиология назорати маркази ва бошқа ташкилот, мақсасаларнинг вакиллари билан таркиб топан Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш республика доимий комиссияси оромгоҳларда болаларга яратилган шароитни доимий ва қатъий назоратда олган. - Республикада 804

Махфиза ОРТИҚОВА.

Ўқувчи-ёшларнинг таътил мавсуми ҳам ортда қолмоқда. Бундай пайтда кимдир оромгоҳларда мароқли дам олган бўлса, айрим ёшлар ота-онасига ёрдам беришни афзал билиди. Илм олишни хоҳловчиларни эса тўхтаб турмайди. Жазирама ёзда ҳам уларнинг қўлларидан қитиб ва дафтар тушмаган бўлса ажабмас.

Хўш, навбатдаги таътил мавсуми қандай ўтди? Оромгоҳларда ёшларга кўнгалдагидек хордиқ чиқариш учун етарлича шароит яратиб бериладими? Бу борада ёшларнинг фикр-мулоҳазалари қандай?

ҒАМХЎРЛИКДАН УЛАР МИННАТДОР

"Ёшлар йили" Давлат дастурига биноан ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бўш вақтини унумли ташкил этиш борасидаги эзгу ишлар ҳажми ва қўла-ми тобора кенгаймоқда. Юртимизда мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш ва соғломлаштириш мавсумини юксак даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Давлат дастурига кўра, бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида жами 245 минг нафар ўғил-қиз оромгоҳларда хордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлади. Оролбўйи минтақасидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги сўлим дам олиш масканларида уч минг нафар бола таътилни мароқли ўтказди.

Республика Касаба уюмлари федерацияси кенгаши, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Давлат санитария эпидемиология назорати маркази ва бошқа ташкилот, мақсасаларнинг вакиллари билан таркиб топан Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш республика доимий комиссияси оромгоҳларда болаларга яратилган шароитни доимий ва қатъий назоратда олган. - Республикада 804

та ёзги соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд, - дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Умид Эгамбердиев. - Оромгоҳларда яратилган шароит ҳақида ҳам гапириб ўтсак. Аксарият дам олиш масканлари хушманзара табиат қўнида жойлашган, уларда турли йўналишларга ихтисослашган тўғарақлар фаолият кўрсатиб турибди. Оромгоҳларда маънавий хоналари ташкил этилган, улар газета ва журналлар, қизиқarli китоблар ҳамда компьютерлар билан таъминланган. Шунинг билан керакки, барча ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш оромгоҳларига қамраб олиш имконияти йўқ. Шунинг учун болаларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида қўшимча оромгоҳлар ташкил этилди.

Соғломлаштириш майдончаларида 1,5 миллионга яқин болалар жалб қилинган. Шунингдек, 384 спорт мактабиди 249 минг, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тўғарақларда эса 175 минг ўғил-қизларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказди.

— Мен бу йилги мавсумни илк маротаба Тошкентда ўтказдим, - дейди ҳажжонланиб, қорақалпоғистонлик Қалипберди Дониёров. — Дам олишнинг биринчи кун-

нида маҳаллий аҳоли, оромгоҳга келган тенгдошларимнинг гапларига тушуниш бироз қийин бўлди. Бу ерда Бахтиёр, Баҳодир, самарқандлик Фаррух, Қамолддин каби тенгдошларим билан дўстлашиб олдим. — Дўстлар даврасида дам олишнинг ўзгача гаши бор — дейди Алгоритмдаги болалар оромгоҳи тарбияланувчиси Шерзод Абдуллаев. — Ҳар кун турли спорт мусобақалари ўйналади, вилоятлардан келган тенгдошларим ўзларининг маҳаллий ўйинларини ўргатишди. Бундай ўзига хос беллашувларни ҳеч қерда кўрмаганман.

Ота-оналар билан бўлган суҳбатда маълум бўлдики, барча оромгоҳларда озиқ-овқат, сабзавот маҳсулотлари, ичимлик сувининг сифати талаб даражасида бўлишига, узлуксиз электр қуввати, табиий газ, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Оромгоҳлар ҳудуди, улардаги болалар дам олиш хоналари, ошхоналар, озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш ва омборхоналар, сув хавзаларини тоза ва озода сақлашга, тиббиёт хоналари етарли дори-дармон, зарур эмлаш воситалари, ҳижоз ва ускуналар билан таъминлашга, дезинфекция ишларини ўз вақтида ва пухта бажаришга катта аҳамият берилган мавсумнинг самаралари ўтишга хизмат қилди.

Ботир УСМОНОВ.

Феруза Тўхлиева Низомий номидаги

Тошкент Давлат педагогика университети талабаси. Ёш ижодкорнинг таржумонлиқка меҳри баланд. Ўзгача кўзгидан кўнгалда қандай бўлиб, уларни Феруза илк маротаба ниглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Масаллар

Мактабгача таълим муассасаларида

УЧИНЧИ МИНГЙИЛЛИК БОЛАСИ

Айни пайтда мактабгача таълим муассасасида 140 нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг ҳам аклан, ҳам жисмонан етук қилиб вояга етказиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. 2008 ўқув йилининг таълим муассасаларида "Иқтисодий таълим ва молиявий саводхонлик самардорлигини ошириш йили" деб номланиши иқтисодий таълимга эътиборни янада кучайтирди. Шу мавзуда тайёрлов гуруҳларимизда очик машғулотлар ўтказилмоқда.

Ҳар бир нарсани уйғунликда ривож топади. Шу боис, тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш, улар онгини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида эртақлар айтиб бериш, табиатга ошно этиш каби услубий қўлланмалардан кенг фойдаланаямиз. Шунингдек, тайёрлов гуруҳларимиз учун инглиз тили, санъат ва адабиёт, мини футбол, шахмат, шашка каби тўғарақлар ташкил этилган. Болалар ҳар кун тиббий куридан ўтказилади. Ўзбекистон, бугамаиз тарбияланувчиларига ви-



таминларга бой маҳсулотлар ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шербатлар берилади. Бу маҳсулотларни етказиб беришда узилтилар бўлмаслиги учун ўз ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар белгиланган. Мухими, машғулотларнинг сифати ва изчиллигига ҳамда уларни хилма-хил услублардан фойдаланган ҳолда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эса болаларнинг соғлом ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Эришайтган ютқларимизда ўз касбининг билмдонлари — моҳир тар-


биячилар Вазира Ҳасанова, Малика Умарова, Азиза Юсупова, Нигора Мирзиева, Ирина Обуховскаяларнинг ҳиссаси катта бўлапти. Улар болаларнинг келажақда етук инсонлар бўлиб қолмоқчилиги учун "Учинчи мингйиллик боласи" дастури доирасида таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мухайё ШАРОББОЕВА, Янгиўла туманидаги "Кичикнот" мактабгача таълим муассасаси мудири, халқ таълими аълочиси.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Жиззах шаҳрида "Ёшлар йили" Давлат дастури асосида бунёд этилаётган Ёшлар шаҳарчаси мажмуасида бирин-кетин замонавий, кўркам иншоотлар қад ростламоқда.

Ҳозир шаҳарчининг иккита рамзий дарвозаси, тўртта савдо павильони ва манзарали фавворалари қурилиши ниҳоясига етказилди. Бундан бир ой аввал шаҳарчада бадий гимнастика зали қуриб битказилган эди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт анжомлари ва мебеллар билан таъминланган янги иншоотда бўлажак спорт маликалари бадий гимнастика билан шугулланаяпти.

Ёшлар шаҳарчасида бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шаҳарча лойиҳасида кўзда тутилган ўндан зиёд маданий-маиший иншоотларни мустақиллик байрамигача фойдаланишга топшириш мўлжалланаяпти.



ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтура ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият
— 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Матн: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунгул ДАМИНОВ,
Раҳман ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мухаррамхон АЗИМОВА,
Жуманнўз АЛИБЕКОВ,
Қамол АЛЛАЕВОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланган

«Адолат»даги кўчириб босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалда оширилади.
© — Тижорат мақолалири белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Рустам АҲМАДЛИЕВ
Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи — Собирхон ТУНҒАТОВ